

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/27.02.2020.Yu.108.01**  
**РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЕТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВА ГОВХЕРЖАН**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСУЛЛИК ҲУҚУҚИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера та докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation**

**Юлдашева Говхержан**

Ўзбекистон Республикасида консулийк хуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши.....	3
---	---

**Юлдашева Говхержан**

Формирование и развитие консульского права в Республике Узбекистан .....	27
--	----

**Yuldasheva Gavkherjan**

Formation and development of consular law in the Republic of Uzbekistan .....	51
---	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....	56
-------------------------------	----

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/27.02.2020.Yu.108.01**

**РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЕТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВА ГОВХЕРЖАН**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСУЛЛИК ҲУҚУҚИНинг  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Yu91 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш сайтида (<http://uzmarkaz.uz/>) ва “ZiyoNET” таълим ахборот порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Сайдов Акмал Халматович**

академик, юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нугманов Нугман Абдуллаевич**

юридик фанлар доктори, профессор

**Отахонов Фозилжон Хайдарович**

юридик фанлар доктори, доцент

**Бобокулов Иномжон Ибрагимович**

юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат**

**божхона қўмитасининг Божхона институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/27.02.2020.Yu.108.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил “11” декабр соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Ўзбекистон, Тошкент ш., Катта Дархон, 6. Тел.: (99871) 234-56-02; e-mail: [yurmarkaz@adliya.uz](mailto:yurmarkaz@adliya.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4706-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Ўзбекистон, Тошкент ш., Катта Дархон, 6. Тел.: (99871) 234-56-02).

Диссертация автореферати 2020 йил “19” ноябрда тарқатилди.

(2020 йил “19” ноябрдаги 1 рақамли реестр баённомаси).

**А.А.Отажонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Ш.Н.Рахманов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

**М.А.Тиллабаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

## **КИРИШ (Докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда ахборот технологиялар ва Интернет тараққиёти, визасиз ҳудудларнинг пайдо бўлиши, миграция жараёнлари кучайиши натижасида давлатлар мақбул ечимларни синчковлик билан излашга мажбур бўлмоқдалар. Албатта, бу тўлақонли тарзда консуллик хизмати, унинг ҳуқуқий асослари архитектурасининг келгуси қурилиши, унинг истиқболда янгиланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмокда. Бундай глобаллашув шароитида турли давлатлар ўртасида алоқаларнинг ривожланишида консуллик хизмати алоҳида ўрин тутади. Муносабатлар қанчалик фаол ривожланадиган бўлса, инсонлар алмашинуви қай даражада кенг кўламда ва шиддат билан амалга оширилса, консуллик муассасаларига шунча катта юклама тушади. Шу билан бирга, БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 20 декабрдаги 73/205-сонли резолюциясида қайд этилганидек, БМТ Бош Ассамблеяси бегуноҳинсонлар ҳаётига таҳдид соладиган ёки уларнинг ўлимига сабаб бўладиган, дипломатик ва консуллик вакиллари, мансабдор шахсларининг нормал фаолият юритишга жиддий равищда халақит берадиган, янги ва такрорланаётган зўравонлик ҳаракатларидан жиддий ташвишда<sup>1</sup>. БМТ Бош котибининг 2018 йил 19 июлдаги 73/189-сонли маъruzasига мувофиқ, 179 давлат консуллик алоқалари соҳасидаги асосий универсал халқаро конвенция – 1963 йилги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясини ратификация қилган<sup>2</sup>. Шу муносабат билан, шиддат билан ривожланаётган халқаро ҳуқуқни ҳисобга олган ҳолда, консуллик ҳуқуқининг асосларини қиёсий ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш жуда долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда бугунги кунда консуллик ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланишининг илмий-назарий жиҳатлари, консуллик хизмати ва консулнинг ҳуқуқий мақоми ҳақидаги асосий концепциялар, консуллик ҳуқуқининг ривожланиши ва консуллик вазифалари трансформациясига оид тенденцияларга таъсир этувчи замонавий омиллар, консуллик ҳуқуқи ва консуллик муассасаларини шакллантиришнинг институционал ва ҳуқуқий асослари, консуллик фаолиятини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ўз давлати ва фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида консуллар ва консуллик институтлари ролини ўрганиш бўйича янги ёндашувларни шакллантириш юзасидан чуқур илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқларини ҳамда мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, экспортни ривожлантириш ва хорижий инвестициялар оқимини кучайтириш мақсадида

---

<sup>1</sup> Resolution adopted by the General Assembly on 20 December 2018. №73/205. Consideration of effective measures to enhance the protection, security and safety of diplomatic and consular missions and representatives. <https://undocs.org/en/A/RES/73/205>

<sup>2</sup> Report of the Secretary-General Consideration of effective measures to enhance the protection, security and safety of diplomatic and consular missions and representatives. 19 july 2018. № 73/189. <https://undocs.org/ru/A/73/189>

ташқи сиёсатни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”<sup>1</sup> хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 17 январдаги ЎРҚ-517-сон “Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 6 февралдаги ЎРҚ-518-сон “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида” қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизими니 тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3654-сон “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги 49-сон “Консуллик рўйхатида турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиши биометрик паспортини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори ва бошқа тегишли ҳуқуқий-меъёрий хужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи<sup>2</sup>.** Консуллик ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланишининг муайян

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон.

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи: [www.hagueacademy.nl](http://www.hagueacademy.nl), [www.law.ox.ac.uk](http://www.law.ox.ac.uk), [www.law.cam.ac.uk](http://www.law.cam.ac.uk), [www.law.yale.edu](http://www.law.yale.edu), [www.law.bu.edu](http://www.law.bu.edu), [www.en.uw.edu.pl](http://www.en.uw.edu.pl), [www.canberra.edu.au](http://www.canberra.edu.au).

жихатлари бўйича илмий тадқиқотлар The Hague Academy of International Law (Нидерландия), Oxford University Faculty of Law (Буюк Британия), Cambridge University Faculty of Law (Буюк Британия), Yale University College of Law (АҚШ), Boston University School of Law (АҚШ), University of Warsaw (Польша), The University Of Canberra (Австралия), School of Political Science & International Relations at Tongji University (Хитой), Халқаро муносабатлар Москва давлат институти (университети) (Россия), Россия Федерацияси ТИВ Дипломатик академияси (Россия), Козон федерал университети (Россия), Беларусь давлат университети (Беларусь), Ал Фаробий номидаги Қозоғистон миллий университети (Қозоғистон), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университетида (Ўзбекистон) каби етакчи халқаро илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида амалга оширилмоқда.

Консуллик хуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши соҳасидаги илмий тадқиқотлардан қуйидаги қатор илмий натижалар олинган, жумладан: дипломатик ва консуллик хуқуқини ўзаро ажратиш, консуллик институти ва консуллик хуқуқининг пайдо бўлиш тарихи, манбалари, консуллар фаолиятининг хусусиятлари асослантирилган, консуллик муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (Oxford University Faculty of Law, Халқаро муносабатлар Москва давлат институти (университети), Россия Федерацияси ТИВ Дипломатик академияси); консуллар мақоми ва консуллик органлари фаолиятининг хуқуқий асослари (Oxford University Faculty of law, Cambridge University Faculty of Law), консуллик муассасалари фаолияти ривожининг замонавий тенденциялари ишлаб чиқилган (School of Political Science & International Relations at Tongji University, The University Of Canberra), глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг, шунингдек замонавий таҳдидларнинг консуллик муассасалари фаолиятига таъсири, консуллик функцияларининг трансформациялашуви бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети).

Бугунги глобаллашув шароитларида консуллик хуқуқининг назарий ва амалий жихатлари бўйича қатор тадқиқотлар, хусусан қуйидаги устувор йўналишларда амалга оширилмоқда: давлатлар томонидан ўз фуқаролари манфаатлари ва хукуqlarini самарали ҳимоя қилиш мақсадида консуллар ва консуллик институтлари ролини қайта кўриб чиқиши, келтириб чиқараётган замонавий чақириқларни; сифатли ва самарали консуллик хизматларига бўлган талабнинг ошганлигини инобатга олиб давлатлар томонидан таъсирчан чораларни ишлаб чиқиши; консуллик муассасаларининг хусусий сектор ва ННТ билан ҳамкорлигини фаоллаштириш; консуллар томонидан мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, экспортни ривожлантириш ва хорижий инвестициялар оқимини кучайтириш ҳамда пандемия шароитида ўз фуқароларига ёрдам кўрсатиш, уларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни бажариш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон олимлари орасида ўрганилаётган муаммо бўйича Х. Одилқориев, Н. Акрамова, Л. Абдуллаева, С. Гафурова, С. Гулямов, Н. Ибрагимов, Б. Исмоилов, Н. Каримова, А. Қосимов, Г. Маткаримова, С. Миркасимов, М. Раҳимова, Ш. Расулов, А. Сайдов, Л. Сайдова, А. Турсунов, И. Умарахунов, И. Хамедов, Г. Хидоятов, М. Файзиев, А. Файзуллаев ва М. Хайруллаев асарларини ажратиб кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>.

А. Турсунов, Л. Сайдова, М. Раҳимова, С. Миркасимов, Ш. Расулов, Н. Акрамова, Л. Абдуллаева, Н. Каримова, С. Гафурова асарларида консуллик хизматининг у ёки бу жиҳатлари очиб берилган.

Л. Сайдова диссертация тадқиқотида, консуллик ҳуқуқи дипломатик ҳуқуқнинг ажralmas қисми сифатида таҳлил қилган. Ўзбекистонда консуллик ҳуқуқи манбалари, ташқи сиёсий идоранинг консуллик фаолияти, шунингдек, Ўзбекистоннинг хориждаги консуллик муассасалари турлари ва ваколатларини ўрганган.

С.Гафурованинг диссертация тадқиқотида хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларининг консуллик ҳимоясига доир масалалар кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларнинг юридик адабиётларида консуллик ҳуқуқини шакллантиришнинг сиёсий, тарихий ва ҳуқуқий жиҳатларига жиддий эътибор берилади. Люк Т. Ли, А.А.Тринидад, Ли Ж.Д., Е.Д.Малкольм, К.Тиндал, Хиа Липинг, Ф.Хансон, Д.Хамилтон, М.Окано-Хейжман, Ж.Супор, Г. Мак Кланахан, Г.К.Мокерджи, Рафаэл Аррой Монтеро, Р.Дж. Фельтхэм, Жулиус Пуэнте, Ян М. Ангел, А.Г.Аскеров, Г.В.Бобылёв, В.А.Боровик, Ю.В. Булавко, И.П.Блищенко, Н.Ш.Блинков, Б.И.Гуменюк, И.И.Елисеев, С.В.Черниченко, Ю.Д.Ильин, С.Ю.Люсин, Ф.Р.Сундуров, В.С.Михайлов, О.В. Плотникова, К.П.Пэдуруру, О. Ф. Сакун, М.А. Сарсенбаев, Е.В. Сафонова, Э.Я.Соловьев, Ю.Ф. Жаров, Н.Г.Зубков, М.Л.Энтин<sup>2</sup> каби замонавий олимларнинг ишлари бунинг исботидир.

Консуллик муассасалари фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатлари, шунингдек, консуллик конвенцияларининг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари билан ўзаро таъсири жаҳондаги энг машхур мутахассислардан бири, консуллик ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро маслаҳатчи, Оксфорд университети профессори Люк Т.Ли ишларида тадқиқ этилган.

Умуман айтиш жоизки, илмий изланишларда асосан консулларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини таҳлил қилишга қаратилган масалаларга урғу берилган, шунингдек, консуллик ҳуқуқининг халқаро-ҳуқуқий нормалари ва ҳозирги босқичда консуллик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари глобаллашув жараёнлари, янги чақириқлар ва таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда деярли кўриб чиқилмаган.

<sup>1</sup> Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>2</sup> Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Шу билан бирга, танланган мавзу бўйича Ўзбекистонда монографик тадқиқот олиб борилмаганлигини таъкидлаш керак.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170929780 – сон “Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ соҳасида таълим ва тадқиқотларни такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** консуллик ҳуқуқи шаклланиши ва ривожланишининг назарий-методологик асосларини, консуллик муассасаларининг ташкил этилиши ва фаолиятининг илмий-назарий, норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

замонавий халқаро ҳуқуқ доктринасидаги консуллик институти ва консуллик ҳуқуқининг назарий қоидаларини тадқиқ этиш;

миллий ҳуқуқий тизим ва халқаро оммавий ҳуқуқ тизими доирасида консуллик ҳуқуқи ва унинг асосий институтларининг шаклланиши ва ривожланишини танқидий таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси консуллик ҳуқуқининг шакилланиши ва ривожланишини ўрганиш;

консуллик хизмати ва консул ҳуқуқий мақомига оид асосий концепцияларини ўрганиш;

замонавий халқаро оммавий ҳуқуқ тизимида консуллик ҳуқуқининг ўрнини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

глобаллашув шароитида консуллик хизмати фаолиятидаги янги тенденцияларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари институтининг шакилланиши ва ривожланишини ўрганиш;

консуллик ҳуқуқининг халқаро ҳуқуқий асослари ва консуллик масалаларига оид Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини комплекс равишда таҳлил қилиш;

консуллик ҳуқуқини, унинг ҳалқаро-ҳуқуқий ва миллий қонунчилик базасини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида консуллик ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб консуллик ҳуқуқи соҳасидаги халқаро шартномалар, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари ва консуллик ҳуқуқи соҳасидаги бошқа халқаро органларнинг ҳужжатлари, консуллик муносабатларини ва консуллик муассасалари фаолиятини тартибга солувчи миллий ва хорижий қонунчилик ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган вазифаларни ҳал этишда тарихий, тизимли, қиёсий-хуқуқий, таҳлилий, контент-таҳлил, мантикий-юридик, социологик, сўровнома, интервью ва бошқа усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

давлатлар ўз ҳудудида туғилишни рўйхатдан ўтказиш бўйича хизматларнинг мавжудлигини ҳамда тегишли ҳалқаро-хуқуқий ҳужжатлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ мигрантлар, бошпана изловчилар, қочоқлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фарзандлари учун мазкур хизматлардан фойдаланиш имкониятини ошириш зарурлиги асослантирилган;

мигрантларнинг инсон хуқуқларини самарали химоя қилиш билан боғлик муаммоларини ҳал қилиш, шу жумладан, ҳужжатсиз ёки ноқонуний асосда мамлакатда бўлган мигрантларни қайтариш ва уларнинг реинтеграциясини амалга ошириш зарурлиги асослантирилган;

консуллик мансабдор шахсининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини электрон шаклда қабул қилиш ва кўриб чиқишига оид мажбуриятлари, консуллик муассасасида молиявий ёрдам олган фуқароларнинг ушбу маблағларни қоплаб бериши тартиби ва механизми, одам савдоси жабрдийдалари бўлган фуқароларга ёрдам кўрсатишнинг тартиби ва механизмлари, хорижий мамлакатларда бедарак йўқолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларни қидиришнинг хуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан ҳомийлик ва васийликни расмийлаштириш жараёнининг хуқуқий асослари, консуллик округи ҳудудида табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлар, оммавий тартибсизликлар ва террорчилик ҳаракатлари содир бўлганда Ўзбекистон Республикаси фуқароларни химоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий асослари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фахрий консулларининг хуқуқий мақоми, вазифалари ва фаолиятининг хуқуқий асослари юзасидан консуллик соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқилган;

хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги консуллик муассасалари ва уларнинг ходимларининг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари ва уларнинг ходимларининг иммунитетлари ва имтиёзлари юзасидан божхона қонунчилигини такомиллаштириш зарурати асослантирилди;

чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини, ҳалқаро ташкилотлар ваколатхоналарини ички ишлар органларининг ўта мухим, тоифаланган қўриқлаш обьектлари қаторига киритиш зарурати асослантирилди;

чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарига, ҳалқаро ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситалари ҳамда маҳсус мўлжалланган транспорт воситаларидан табиий оғат юз берган жойга бориш, шошилинч тиббий ёрдамга мухтож фуқароларни тиббий муассасаларга олиб бориш, жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилиш ва ички ишлар органларига олиб келиш, ҳодиса жойига ёки ички ишлар органларининг

шахсий таркибини жанговар тревога бўйича тўплаш жойига бориш учун фойдаланиши мумкин эмаслиги асослантирилган;

чет давлат фуқаролигини қабул қилган шахс ушбу факт ҳақида ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органларига ёки чет элдаги консуллик муассасаларига хабар бериши шартлиги асослантирилган;

чет элда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан чет элда фарзанд асраб олишни расмийлаштириш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

чет давлатлар муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси муассасалари, ташкилотлари ва фуқароларига ёки чет эллик шахсларга нисбатан чет эл хуқуқи нормалари асосида белгиланган шакл бўйича берилган, тузилган ёки тасдиқланган хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан фақатгина консуллик легаллаштируви мавжуд бўлганда ёхуд уларга апостиль қўйилган бўлса, қабул қилиниши ҳақида таклиф ишлаб чиқилган;

пандемия даврида консуллик муассасалари жойлашган давлат худудидаги ўз давлати фуқароларига ёрдам бериш ва кўмаклашиш масалаларини халқаро-хуқуқий такомиллаштириш зарурати асослантирилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

иша консуллик хуқуқининг шаклланиши ва ривожланишининг концептуал масалалари, шунингдек консуллик муассасалари фаолияти билан боғлиқ амалий муаммоларни илмий-назарий ҳал қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

консуллик муассасалари фаолиятининг хуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан халқаро-хуқуқий хужжатларга ва Ўзбекистон миллий қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда фойдаланилган маълумотлар базасининг тўғрилиги ва ишончлилиги уларда фақат расмий, илмий ва ўқув-методик нашрларда эълон қилинган, статистик маълумотлардан фойдаланилгани ва апробациядан ўтказилгани, нашр этилган монографик тадқиқотлар натижалари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мазкур тадқиқот иши натижаларидан илмий-тадқиқот фаолиятида, шунингдек, “Халқаро оммавий хукуқ”, “Дипломатик ва консуллик хуқуқи”, “Дипломатик хуқуқ”, “Консуллик хуқуқи”, “Инсон хуқуқлари”, “Хозирги замон хуқук тизимлари” каби ўқув курсларини илмий-назарий бойитища, маърузаларни, мунозаралар ва амалий машғулотларни ўтказища, ўқув, услугий қўлланмалар ва дарсликларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижасида шакллантирилган илмий қоидалар, холосалар ва тавсиялар консуллик хизматлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилишида, шунингдек қонун ижодкорлиги фаолиятида, консуллик хуқуқи соҳасига оид қонун хужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишда фойдаланилиши билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Консуллик масалаларига оид қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари қўйидагиларда фойдаланилган:

давлатлар ўз худудида туғилишни рўйхатдан ўтказиш бўйича хизматларнинг мавжудлигини ҳамда тегишли халқаро-хукуқий хужжатлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ мигрантлар, бошпана изловчилар, қочоқлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фарзандлари учун мазкур хизматлардан фойдаланиш имкониятини ошириш таклифи БМТ Инсон хукуқлари бўйича Кенгашининг 2020 йил 19 июндаги 43/5-сонли “Туғилганликни рўйхатдан ўтказиш ва турган жойидан қатъий назар ҳар бир инсоннинг хукуқ субъектлилигини тан олишга бўлган хукуқи тўғрисида”ги Резолюциянинг 2-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлар хузуридаги Доимий ваколатхонасининг 2020 йил 28 августдаги UZ/UN/20-217-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар мигрантлар, бошпана изловчилар, қочоқлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларининг хукуқларини таъминлашга хизмат қилган;

Мигрантларнинг инсон хукуқларини самарали ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш, шу жумладан, хужжатсиз ёки ноқонуний асосда мамлакатда бўлган мигрантларни қайтариш ва уларнинг реинтеграциясини амалга ошириш таклифи БМТ Инсон хукуқлари бўйича Кенгашининг 2020 йил 19 июндаги 43/6-сонли “Мигрантларнинг инсон хукуқлари: мигрантларнинг инсон хукуқлари тўғрисидаги масала бўйича Махсус маърузачи мандати” Резолюциясининг 1-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлар хузуридаги Доимий ваколатхонасининг 2020 йил 28 августдаги UZ/UN/20-217-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар хужжатсиз ёки ноқонуний асосда мамлакатда бўлган мигрантларнинг хукуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилган;

консулликнинг фуқаролар ва юридик шахсларга, яшаш учун маблағларсиз қолган, одам савдосидан жабрланган, ушлаб турилган, қамоқقا олинган, маъмурий қамоқقا олинган ва озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган ёхуд бедарак йўқолган, фарзандликка олинган вояга етмаган, васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтоҷ бўлган, консуллик округи худудида табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар, куролли можаролар, оммавий тартибсизликлар вужудга келганда ва террорчилик ҳаракатлари содир этилганда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлашга тааллуқли функциялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фаҳрий консулининг мақоми юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 17 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставини таслиқлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-517-сон Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставининг 15-моддаси иккинчи қисми, 20-моддаси учинчи, бешинчи қисмлари, 21-моддаси, 23-моддаси олтинчи қисми, 30, 32-моддаси, 40-моддаси иккинчи, бешинчи қисмлари нормаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг 2019 йил 25 ноябрдаги 10/1-783-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг киритилиши хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини, консуллик мансабдор шахсларнинг мажбуриятларини кучайтиришни, шунингдек, фахрий консулларининг ҳуқуқий мақоми, вазифалари ва фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги консуллик муассасалари ва уларнинг ходимларининг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари ва уларнинг ходимларининг иммунитетлари ва имтиёзлари юзасидан божхона қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-400-сон қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 398, 399, 404, 406-моддаларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 22 октябрдаги 06-21/1542-сон маълумотномаси). Бу хорижий давлатларнинг консуллик муассасалари ва Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари ва уларнинг чет элдаги ходимларига имтиёзлар ва иммунитетлар берилишига, шу жумладан, ушбу имтиёзлар бузилишининг олдини олишга ёрдам берадиган божхона имтиёзлари берилишига ижобий таъсир кўрсатган;

чет давлатлар муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси муассасалари, ташкилотлари ва фуқароларига ёки чет эллик шахсларга нисбатан чет эл ҳуқуқи нормалари асосида белгиланган шакл бўйича берилган, тузилган ёки тасдиқланган ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан фақат консуллик легаллаштируви мавжуд бўлганда ёхуд уларга апостиль қўйилган бўлса, қабул қилиниши мумкинлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги ЎРҚ-461-сон Қонуни билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг 246-моддаси 1-қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 24 октябрдаги 06/1-05/743Ж-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ҳуқуқни қўллаш амалиётини соддалаштириш ва такомиллаштиришга, шунингдек суд мухокамаси жараёнида Ўзбекистон ва хорижий жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларда мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, жумладан 3 та монография, шунингдек 39 илмий мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 217 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг “**Консуллик хуқуқининг назарий-хуқуқий ва методологик асослари**” деб номланган **биринчи бобида** замонавий халқаро хуқуқ тизимидағи консуллик хуқуқининг назарий ва методологик масалалари ва хусусиятлари батафсил таҳлил қилинади, бунда ҳар қандай тадқиқотда бўлгани каби, аввало консуллик хуқуқининг тушунча ва категориявий аппарати белгиланади, шунингдек, консуллик хуқуқининг халқаро хуқуқ тизимидағи мустақил соҳа сифатидаги ўрни белгиланади.

Диссидентнинг фикрига кўра, консуллик хизмати тушунчаси тадқиқотчининг турли ёндашувларига боғлиқ бўлиши мумкин. Агар уни институционал ёндашув нуқтаи назаридан қўрсак, консуллик хизмати консуллик муассасалари тизимидан иборат. Функционал ёндашув консуллик хизматини фаолият ва функциялар мажмуи сифатидатушунишга имкон беради. Хуқуқий ёндашув консуллик хизматини консуллик хуқуқининг хуқуқий институти сифатида кўриб чиқади.

Илмий ишда консуллик хуқуқининг соҳавий (маҳсус) принциплари тизими таклиф қилинади: 1) халқаро хуқуқ устуворлиги принципи; 2) консуллик муносабатларининг мустақиллиги; 2) консуллик муносабатларининг дипломатик муносабатлар билан чамбарчас боғлиқлиги; 3) консуллик муассасалари фаолияти фуқаролар ва юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шу орқали давлатнинг хуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги, 4) консуллик иммунитетларининг функционаллиги принципи, 5) камситмаслик принципи, 6) ўзаролик принципи.

Ушбу бобда халқаро-хуқуқий амалиётда консуллик институтларининг генезисига алоҳида эътибор қаратилган. Консуллик муассасаларининг тарихий ривожланиши ва шаклланишини ўрганиш муаллифга консуллик хуқуқининг ривожланишининг етти босқичта ажратиш ва хусусиятларини аниқлашга имкон берди, уларнинг ҳар бирида консулларнинг функциялари антик даврдан ҳозирги замонгача давлатлар ва давлатлараро алоқаларнинг ривожланиши билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эга.

Ушбу бобда шунингдек, консуллик хизматининг асосий тушунчалари ва консулнинг хуқуқий мақоми таҳлил қилинади. Муаллиф таъкидлаганидек, консуллик институти халқаро хуқуқ институти сифатида халқаро хуқуқ тизимида, давлатлараро тизимда рўй берайтган жараёнларга мувофиқ ўз ўрнини топди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида консуллик муассасалари институтининг шаклланиши ва ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, у Ўзбекистондаги консуллик муассасаларининг шаклланиши ва ривожланишидаги уч босқични белгилаб беради:

- I – совет даври;
- II – 1993-2016 йиллардаги мустақиллик даври ва унинг фикрича,
- III – 2017 йилдан бошланган ва ҳозирги кунгача давом этаётган замонавий давр.

Тадқиқотчи Ўзбекистоннинг консуллик хизматининг барча асосий таркибий бўлинмаларининг вазифаларини батафсил ва ҳар томонлама, статистик ва функционал жиҳатдан таҳлил қиласди.

Муаллифнинг фикрича, замонавий шароитда консуллик муассасалари фаолиятининг тўртта асосий йўналиши мавжуд: чет элда консуллик муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш; Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатларнинг дипломатик ва консуллик муассасалари билан доимий алоқаларни ўрнатиш; Консуллик ва юридик бўлим томонидан аниқ консуллик функцияларини бажариш; Консуллик масалалари бўйича халқаро конвенциялар ва шартномаларни ишлаб чиқиш, ушбу халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларни келишиб олиш ва бажариш, шунингдек консуллик масалалари бўйича норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг иккинчи боби глобаллашув шароитида “**Консуллик хуқуқи ва консуллик институтларининг ҳозирги ҳолати**”ни таҳлил қилишга бағишлиланган. Унда консуллик хуқуқининг ривожланиш тенденциялари ва консуллик функцияларининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган замонавий омиллар, ҳозирги босқичда фахрий консуллар институтининг хусусиятлари, консуллик имтиёzlари ва иммунитетларнинг ўзига хос хусусиятлари ва хусусиятлари кўриб чиқлади.

Консуллик идоралари глобаллашуви давридаги муҳим муаммолардан бири бу ҳозирги кунда юқори малакали консуллик хизматларига талабнинг ортиб боришидир. Шу муносабат билан, диссертант консуллик хизматларига талабнинг ўсишига таъсир қилувчи омилларни аниқлайди, шунингдек, эҳтиёжнинг ўзига хос хусусияти ва жиҳатларини, бошқача айтганда,

консуллик хизмати ўсиб бораётган талабга қандай жавоб берishi кераклигини аниқлади.

Шунингдек, қайд этилишича, ҳукуматлар консуллик хизматларини ривожлантириш учун одатда қуйидаги чораларни кўрмоқдалар:

талабга мос равиша консуллик функцияларини кенгайтириш;

ортиб бораётган талабга таъсир қилиш мақсадида тахминларни бошқариш;

талабни қондириш учун консуллик хизматлари соҳасини ривожлантириш.

Диссертант ҳозирги босқичда фахрий консуллар институтининг хусусиятларини ўрганиб чиқиб, шундай хulosага келадики, XXI аср бошларида фахрий консуллар институтининг ривожланиши халқаро муносабатлардаги қатор тенденциялар: глобаллашув жараёнларининг тезлашиши, интеграция жараёнларининг чуқурлашиши, нодавлат иштирокчиларининг фаоллиги туфайли янги туртки ола бошлади. Шубҳасиз, бу факт давлатлар ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганидан далолат беради, ваҳоланки мамлакатлар ўртасидаги консуллик алоқалари узоқ вақт давомида факат профессионал консуллар даражасида ушлаб турилган. Бугунги кунда фахрий консуллар «халқаро дипломатик муносабатлар тизимининг мухим ва кимматли қисмидир».

Фахрий консул таърифининг ҳуқуқий жиҳатларини ўрганар экан, муаллиф, профессор А.Н. Вилегжаниннинг фахрий консул давлат хизматида бўлмаган ва юборувчи давлат номидан консуллик вазифаларини Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси ва миллий қонунчилик асосида амалга оширувчи шахс эканлиги хусусидаги фикрга қўшилади, аксарият ҳолларда улар қабул қилувчи давлатнинг фуқаролари бўлади, гарчи фахрий консул юборувчи давлатнинг фуқароси бўлиши ҳолатлари ҳам учрасада.

Таъкидланишича, давлатлар фахрий консулларга дипломатик ва сиёсий вазифаларни юкламайди. Фахрий консулларнинг асосий вазифалари савдо воситачилиги ва кўрсатилган мамлакатнинг экспорт қилинадиган маҳсулотларини маҳаллий бозорларга олиб чиқишида ёрдам беришdir. Бугунги кунда дунёда 20000 дан ортиқ фахрий консуллар мавжуд<sup>1</sup>. Жумладан, Скандинавия ва Лотин Америкаси мамлакатлари фахрий консуллар институтидан кенг фойдаланадилар. Африка ва Осиёда камдан-кам қўлланади. Дания, Норвегия, Голландия, Швеция ва Бельгиядаги фахрий консулларнинг сони умумий консулларнинг 75-95 фоизини ташкил қиласди. Бугунги кунда Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг 10 та фахрий консуллари фаолиятини амалга оширмоқда.

Фахрий консулларнинг фаолияти таҳлили асосида ушбу институтнинг бир қатор хусусиятлари таъкидланган. Бундан ташқари, фахрий консуллар фаолиятининг хорижий тажрибасини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон ўзининг консуллик фаолиятида фахрий консуллар институтидан кенг

<sup>1</sup> Хачатурян В.С. Сравнительно-правовой анализ статуса почетных консульских учреждений государств. – Транспортное дело России. – 2014. – № 6 (II). – С. 52.

фойдаланиши кераклиги таъкидланган: биринчидан, ушбу институт факультати характерга эга, яъни Ўзбекистон ўзи ҳар бир муайян ҳолатда Ўзбекистон фахрий консуллигини хорижда очиш ёки очмасликни, ўз худудида фахрий консулни қабул қилиш ёки қилмасликни мустақил равиша ҳал қиласди; иккинчидан, фахрий консулликнинг очилиши иқтисодий нуқтаи назарга асосланган ҳолда Ўзбекистон учун жуда фойдалидир.

Алоҳида равиша, ушбу бобда консуллик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги хорижий тажриба ўрганилади ва консуллик иммунитетлари ва имтиёзларининг ҳалқаро ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади.

Унинг натижаларига кўра, дипломатик қонунларда, дипломатик иммунитет ва имтиёзларда бўлгани каби, консуллик ҳуқуқида ҳам консуллик иммунитетлари ва имтиёзлари икки гурӯхга бўлинади: консуллик муассасаларининг имтиёзлари ва иммунитетлари ва консуллик муассасалари ходимларининг имтиёзлари ва иммунитетлари.

Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикасидаги консуллик фаолиятини ҳалқаро-ҳуқуқий тартибга солиш” деб номланган учинчи **бобида** консуллик ҳуқуқининг кўп томонлама ҳалқаро ҳуқуқий манбаларини ва Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама консуллик конвенцияларининг ҳуқуқий хусусиятларини таҳлил қилишга, шунингдек, консуллик масалаларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларини кўриб чиқишига бағишлиланган.

Консуллик ҳуқуқининг ҳалқаро шартномавий манбаларини таснифлаган муаллиф уларни қўйидаги гурӯхларга ажратади: универсал, минтақавий ва икки томонлама консуллик конвенциялари. Консуллик ҳуқуқининг умумбашарий манбалари орасида номзод бевосита консуллик ҳуқуқи соҳасидаги универсал ҳалқаро конвенцияларни, шунингдек, фақат консуллик масалаларига бағишиланмаган универсал ҳалқаро конвенцияларни ажратиб кўрсатади. Шунингдек, муаллиф Бирлашган Миллатлар Гашкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциялари ва Ҳалқаро Суднинг қарорларини универсал деб хисоблайди.

Ушбу бобда давлатларнинг консуллик муносабатлари, фаолияти ва хизматларини тартибга солувчи кўп томонлама битимга айланган 1963 йилдаги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама консуллик конвенцияларининг ҳуқуқий моҳиятини кўриб чиқиши жараёнида ушбу икки томонлама консуллик конвенцияларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Муаллиф таъкидлаганидек, ҳозирги кунда икки томонлама консуллик конвенцияларини тузиш ҳалқаро амалиётида қисқа мазмундаги икки томонлама консуллик конвенцияларини тузиш тенденцияси кузатилмоқда, улар томонлар ўртасидаги консуллик муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини тартибга солади ва 1963 йилдаги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясининг қоидаларига ҳаволаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама консуллик конвенциялари таҳлили муаллифга ушбу конвенцияларнинг қуидаги хусусиятларини аниқлашга имкон берди:

улар бир хил тузилишга эга ва муқаддима, таърифлар, консуллик ва консуллик муассасаларини очиш тартиби, шунингдек консуллик муассасалари раҳбарларининг тайинланиши, хуқуқлари, имтиёзлари ва иммунитетлари, консулларнинг функциялари, якуний қоидалардан иборат;

консуллик хизматчилари ва консуллик муассасалари мансабдор шахслари мақоми дипломатик агентлар ва дипломатик ваколатхоналарга яқин;

консулларнинг иммунитетига келсак, барча конвенциялар уларни фақат хизмат, функционал иммунитет билан таъминлайди;

консуллик иммунитет ва имтиёзлар дипломатик иммунитет ва имтиёзларга яқинлашмоқда.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий воқеликлар таҳлили асосида, хусусан, Ўзбекистон ва Беларусь Республикаси ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш, Ўзбекистон ва Беларусь Республикаси ўртасида Консуллик конвенциясини ишлаб чиқиши тузиш таклиф этилади, шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги консуллик муносабатлари янги босқичга кўтарилигани, сўнгги йилларда Россияда Ўзбекистон Республикасининг бта Бош консуллиги очилгани ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида янги Консуллик конвенциясини янгилаш ва тузиш зарур.

Шартномалар ва консуллик хизматлари фаолиятини ўрганиш асосида, муаллиф консуллик хизматларини мақбуллаштириш, виза сиёсати соҳасида хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларнинг хуқуқий мақоми тўғрисида”, “Ташқи миграция тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш заруратини асослантирган.

**Тўртинчи боб “Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари фаолиятининг миллий-хуқуқий масалалари ва уларнинг ривожланиш истиқболлари”ни** кўриб чиқишига бағишлиланган. Ушбу бобда Ўзбекистон Республикасининг консуллик масалалари бўйича қонун хужжатлари тизими, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари функцияларининг хуқуқий табиати, ҳозирги пайтда фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг вазифалари ва функциялари, Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари томонидан фуқароларнинг хукуқ ва манфаатларини Covid-19 пандемия даврида ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасалари фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари таҳлил қилинган.

Диссертант Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилиши билан Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан давлатлараро муносабатларини таъминлайдиган ички хатти-ҳарақатлар тизими яратилганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, муаллиф Ўзбекистон Республикасининг консуллик фаолиятини тартибга солувчи, уларни бир неча гурухларга ажратувчи ички

тартибда амалга ошириладиган ҳаракатлар тизимини кўриб чиқади. Биринчиси, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларини тартибга солувчи умумий нормалар ва тамойиллар бўлиб, уларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати концепцияси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси мудофааси тўғрисида”, “Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонун хужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятлари киради. Иккинчи гурӯхга консуллик фаолиятини бевосита тартибга солувчи маҳсус қонунлар, Консуллик устави ва бошқа қонунлар киради. Учинчи гурӯхга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари киради. Норматив-хуқуқий хужжатларнинг тўртинчи гурӯхи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан иборат, улар Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари амалиётида кенг қўлланиладиган хуқуқий норматив хужжатдир. Бешинчи гурӯхга эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ички идоравий хужжатлари киради.

Консуллик хизматининг ҳолати ва функцияларини белгилайдиган асосий норматив хужжат сифатида Республиканинг Консуллик устави нормалари батафсил таҳлил қилинди. Хусусан, глобаллашув ва ахборотлаштиришнинг замонавий тенденциялари, халқаро муносабатларнинг фаоллашувини ҳисобга олган ҳолда, унга кўплаб янгиликлар киритилишини таъкидланган. Консуллик уставининг муҳим янгиликларидан бири бу мамлакатимиз фуқароларига турли хил шароитларда (одам савдоси курбонлари билан боғлиқ, фавқулодда вазиятларда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, сайлов хуқуқидан фойдаланиш ва бошқалар) ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ янги консуллик функцияларининг киритилишидир.

Консуллик муассасаларининг хуқуқий моҳиятини ҳисобга олсак, фанда консуллик функцияларини таснифлашга ҳали ҳам ягона ёндашув мавжуд эмаслиги қайд этилган. Ҳозирги босқичда, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида “иктисодий дипломатия”нинг роли тобора ортиб бораётганлиги сабабли, муаллиф ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари фаолияти биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга, хукуқ, эркинлик ва қонунийликни ҳимоя қилишга қаратилган, деган хуносага келди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг чет элда манфаатлари ва хукуқларининг ҳимоя қилиниши ва унинг аҳамиятининг тобора ортиб бориши, бу давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги босқичда фуқароларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг вазифалари ва функцияларининг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб, бутун дунёни қамраб олган ва бутун дунё учун глобал таҳдид бўлган Covid-19 пандемияси

шароитида чет элда ўзбекистонлик фуқароларни ҳимоя қилиш бўйича консуллик функцияларини бажаришга оид мисоллар келтирилган. Жумладан, ушбу йўналишда консуллик хизматлари маълумот бериш ва тушунтириш ишларидан тортиб, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб келиниши ва 200-рақамли юкларни ташиб учун чартер рейсларини ташкил этишгача бўлган жуда катта ишларни амалга ошираётганлиги қайд этилади. Хорижий давлатлардаги ваколатхоналардаги тезкор штаб-квартиralарга ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқаролар сони 1 июнь ҳолатига кўра, 104 мингдан ортиқ одамни ташкил қиласди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасалари фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари ҳақида гапириладиган бўлса, сўнгти ўн йилликда жаҳон амалиётида консуллик хизматчиларининг функционал мажбуриятлари ўзгариши кузатилмоқда, бу Ўзбекистон Республикасининг консуллик фаолиятида ҳам кузатилмоқда ва чет эл давлатлари ва ишбилармон доираларининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш консуллик муассасаларининг бевосита вазифасига айланиб бормоқда.

Консуллик хизматлари ривожланишининг замонавий тенденциялари ва консуллик масалалари бўйича ҳукуматлар ва турли нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг хорижий тажрибасини ўрганган муаллиф, консуллик хизматлари фаолиятини ва уларнинг ҳукуқий асосларини такомиллаштириш бўйича бир қатор амалий таклифларни ишлаб чиқди ва асослаб берди.

## ХУЛОСА

Ўтказилган диссертация тадқиқоти қуйидаги бир қатор хуносалар чиқаришга имкон беради:

### 1.Илмий-назарий хуносалар

1. Консуллик ҳукуқи – бу халқаро ҳукуқнинг замонавий мустақил соҳаси бўлиб, халқаро ҳукуқий принциплар, нормалар, урф-одатлар мажмуига асосланган ва зарур бўлганда давлатнинг консуллик муносабатларини тартибга солувчи миллий ҳукуқи нормалари билан уйғунлашган, шунингдек консуллик муассасалари фаолияти ва уларнинг ходимлари, ҳамда уларнинг мақомини, функциялари, имтиёзлари ва иммунитетлари, ҳукуқлари ва мажбуриятларини бегилайди.

2. Ривожланишнинг маълум бир тарихий босқичида ҳам дипломатик, ҳам консуллик ҳукуқи бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб ривожланган ва бугунги кунда улар ўртасида умумий хусусиятлар мавжуд, аммо замонавий халқаро ҳукуқда дипломатик ва консуллик ҳукуқи икки мустақил тармоқга бўлинди. Ҳозирги даврда консуллик ҳукуқи замонавий халқаро ҳукуқнинг мустақил соҳасига айланди. У ҳукуқ тармоғига тааллуқли барча белгиларни ўзида мужассамлаштирган. Хусусан, ўзининг ҳукуқий тартибга солиш предметига, субъектига, обьектига, ўзига хос ҳукуқий тартибга солиш

<sup>1</sup> <https://mfa.uz/ru/press/news/2020/06/24257/>

услубига эга ҳамда консуллик ҳуқуқига доир ижтимоий муносабатлар бошқа ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солиш имконсиз бўлиб, унинг нормалари автоном характер касб этади ва ҳуқуқий тизимнинг йирик элементи хисобланади.

3. ХХI асрнинг бошларида консуллик ҳуқуки дунёнинг ижтимоий-сиёсий манзарасидаги туб ўзгаришлар, давлатлараво ўзаро боғлиқлик ва ўзаро боғлиқликнинг кучайиши, глобаллашув жараёнлари, интеграция томон тенденциялар, чегараларни “йўқ қилиш” ва ҳоказолар натижасида вужудга келган маълум янги хусусиятлар ва ривожланиш тенденциялари билан тавсифланади. Буларнинг барчаси консуллик ҳуқуқининг мазмуни ва ривожланишига, унинг ўзига хос хусусиятларига ва замонавий халқаро ҳуқуқ тизимидағи ўрнига таъсир қилади.

Ўзининг тарихий ривожланиши бошида хусусий-ҳуқуқий институт сифатида пайдо бўлган консуллик ҳуқуқи миллий қонунчилик тизимида ҳам, классик ва замонавий халқаро ҳуқуқ доирасида ҳам ривожланиб, халқаро ҳуқуқнинг мустақил соҳасига айланди.

4. Консуллик ҳуқуқининг ҳозирги босқичи қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: бу халқаро ҳуқуқнинг энг юқори даражада кодификациялашган соҳаларидан биридир; консуллик фаолиятини ошириш ва кенгайтириш; икки томонлама консуллик конвенцияларининг миқдорий ва сифат жихатдан ўсиши; консуллик хизматининг миллий қонунчилиги билан ҳуқуқий тартибга солишни кучайтириш; консуллик ҳуқуқининг халқаро-ҳуқуқий нормалари ва миллий қонунчилик билан узвий боғлиқлиги.

